

Қуръондаги илмий мўъжиза

12:19 / 26.06.2019 1946

Қуръондаги илмий мўъжиза:

Аллоҳ таоло Каҳф сурасида: «**Каҳфда** (ғорда) **уларнинг қулоқларига бир неча йиллар** (парда) **урдик**», деган.

Уламоларнинг таъкидлашича, инсон ухлаганда уни ташқи оламга боғлаб турадиган бирдан-бир аъзо қулоқдир. Ғор соҳиблари ғорда 309 йил ухлаб, ташқи дунё таъсирларидан узилишлари учун Аллоҳ таоло уларнинг қулоқларига парда уриб қўйган экан.

«Ўз бандасига Китоб нозил қилган ва унда ҳеч бир эгрилик қилмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин» (Каҳф сураси, 1-оят).